2014 йил 7 октябрь, сешанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (12.757)

Баҳоси эркин нархда

## ХАЛҚИМИЗ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАЛАРИ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг бориши, бунёдкорлик ишлари билан танишиш мақсадида 6 октябрь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.**

Андижон вилояти улкан иқтисодий салоҳияти билан мамлакатимиз тараққиётида алоҳида ўринга эга. Ривожланган саноат тармоқлари ва қишлоқ хўжалиги, фидойи инсонлар меҳнати барча соҳаларни изчил тараққий эттиришда муҳим омил бўлмоқда. Вилоят маркази, шаҳар ва қишлоқлар қиёфаси тубдан ўзгариб, обод бўлиб, аҳолининг ҳаёт даражаси юксалиб бораётир.

Замонавий саноат тармоқларини ривожлантириш, янги корхоналар барпо этиш ва мавжуд қувватларни модернизация қилиш изчил давом эттирилмоқда. 2013-2015 йилларда вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури доирасида шу йилнинг январь-сентябрь ойларида умумий қиймати 253 миллиард сўмлик 2 минг 815 лойиҳа амалга оширилди ва 24 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик кенг қўллаб-қувватланаётгани, бундай субъектлар экспорт фаолиятига жалб этилаётгани самарасида вилоятда хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажми муттасил ошиб бормоқда.

Жорий йилда вилоятда 80 минг гектардан ошиқ майдонда ғалла экилиб, 500 минг тоннага яқин ҳосил олинди. Бугунги кунда 93 минг 400 гектар майдонда етиштирилган пахта йиғиб-териб олинмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Олтинкўл туманидаги «Кўҳна водий баҳори» фермер хўжалиги далаларида бўлиб, фермерлар, вилоят фаоллари билан суҳбатлашди.

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги учун муҳим бўлган шу кунларда сизлар билан учрашиш, барчангизга куч-қувват тилаш менга катта мамнуният бағишлайди, деди давлатимиз раҳбари.

Собиқ тузум даврида Ўзбекистон бутун иттифоқни пахта билан таъминлаган. Лекин шунга яраша ҳурмат, рўшнолик кўрмаган. Халқимиз ишдан қўли совиб, ҳаётдан ноумид бўлиб қолган эди. Биз ерни одамларга бериб, уларда эгалик ҳиссини шакллантириш орқали бу асоратлардан халос бўлдик. Чунки ўзимизники деган туйғу одамга куч-қувват бағишлайди, деди Юртбошимиз.

Президентимиз пахтачиликда муайян ҳудуд иқлими ва тупроқ шароитига мос серҳосил, сифатли тола берадиган янги навларни яратиш масаласига алоҳида эътибор қаратди.

Пахтанинг хусусиятлари, сифат кўрсаткичлари жуда кўп, деди Ислом Каримов. Эртапишарлиги, ҳосилдорлигининг юқорилиги, толасининг узунлиги, пишиқлиги шулар жумласидандир. Пахта етиштиришда, авваламбор, нав танлашда ана шу жиҳатларга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Ҳар бир ҳудуднинг тупроғи ва иқлимига мос навларни экиш керак.

Фермерлар билан мулоқот чоғида одамларнинг яшаш тарзи, онгу тафаккури ўзгараётгани, шаҳар ва қишлоқларимиз кундан кун чирой очиб бораётгани, буларнинг барчаси мамлакатимиздаги тинчлик-осойишталик шарофати экани таъкидланди. Ёшларимиз ҳеч кимдан кам бўлмай улғайиб, барча соҳаларда катта ютуқларга эришаётгани халқимиз қалбини ғурурга тўлдираётгани алоҳида қайд этилди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, барпо этилаётган кўркам уй-жойлар, таълим ва тиббиёт муассасалари, замонавий корхоналар, кенг ва равон йўллар шаҳару қишлоқларимиз қиёфасини бутунлай ўзгартириб, халқимиз фаровонлигининг юксалишига хизмат қилмоқда.

Мамлакатимизнинг барча жойларида бўлгани каби Андижон вилоятида ҳам кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Президентимиз Олтинкўл тумани «Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида бунёд этилган замонавий уй-жой массивини бориб кўрди.

Бу йил вилоятнинг 31 қишлоқ массивида намунавий лойиҳалар асосида 977 уй-жой қурилиб, фойдаланишга топширилди. Янги массивларда табиий газ, электр энергияси, ичимлик суви тармоқлари тортилиб, ички йўллар қурилди. Маҳалла гузарлари, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари, спорт мажмуалари бунёд этилди.

«Далварзин» маҳалла фуқаролар йиғинидаги массивда ҳам деҳқон бозори, савдо мажмуаси, нон цехи, стадион, болалар ўйин майдончаси ва дам олиш жойлари қурилди.

Президентимиз янги лойиҳа асосида уй-жой қурилиши учун ажратилган ер майдони 6 сотих қилиб белгилангани, автомобиль учун алоҳида дарвоза ва уни сақлаш учун махсус жой кўзда тутилгани, хоналар халқимизнинг менталитети ва турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилгани, улар майдони кенгайгани одамларимизнинг талаб ва истакларига жавоб беришини қайд этди.

Ислом Каримов янги уй соҳибларидан бири – Отабек Қобулов хонадонида бўлиб, бу ерда яратилган қулайликлар билан танишди, хонадон соҳибларининг ҳаёти, орзу-истаклари билан қизиқди.

– Мамлакатимиз мустақиллигининг 23 йиллиги байрами арафасида мана шундай замонавий, кўркам уйга кўчиб ўтдик, – деди хонадон соҳибаси Нигорахон Қобулова. – Бу ерда оила учун барча шароит ва қулайлик яратилган. Бу айниқса биз, аёлларнинг оғирини енгил қилишга қаратилган. Бундай юксак ғамхўрлик, қишлоқ аҳлига кўрсатаётган доимий эътиборингиз учун Сиздан жуда миннатдормиз.

Бу саъй-ҳаракатларимиз инсон учун, фарзандларимизнинг келажаги учун. Бундай уйларда яшаган болалар ҳар томонлама соғлом, мустақил фикрли бўлиб вояга етади. Чунки инсоннинг яшаш тарзи унинг дунёқарашига ҳам таъсир қилади. Биз бир пайтлар орзу қилганимиздек, фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта, бахтли бўлади, деди Юртбошимиз.

Давлатимиз раҳбари қишлоқ аҳли ҳеч кимдан кам бўлмай яшашга ҳақли эканини ва бу йўлда амалга оширилаётган ишларни изчил давом эттириш ҳамда мунтазам такомиллаштириб бориш лозимлигини таъкидлади.

Ислом Каримов Андижон шаҳридаги Истиқлол кўчаси ва бу ерда қад ростлаган замонавий бинолар билан танишди.

Амалга оширилган қурилиш ва реконструкция ишлари натижасида кўча сўлим сайилгоҳга айланган. Замонавий савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари, фаввора ва ўриндиқлар бунёд этилиб, аҳолининг ҳордиқ чиқариши учун кенг қулайлик яратилган.

Президентимиз кўча қиёфасини янада яхшилаш, биноларга безак беришда ранглар мутаносиблигини таъминлаш, йўл бўйларини ободонлаштириш бўйича зарур кўрсатмалар берди.

Буларнинг барчаси мамлакатимиз тараққиёти, халқимиз бунёдкорлик салоҳиятининг ёрқин ифодаси бўлиб, аҳоли фаровонлигининг янада юксалишига хизмат қилмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**Фахриддин УБАЙДУЛЛАЕВ,**
**ЎзА махсус мухбирлари**

**Сайлов — 2014**

## БАРЧА СИЁСИЙ ПАРТИЯЛАР САЙЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ҲУЖЖАТЛАР ТОПШИРДИ

***«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 7-моддасига биноан парламентнинг Қонунчилик палатасига сайлов бир юз ўттиз бешта ҳудудий бир мандатли сайлов округи бўйича кўппартиявийлик асосида ўтказилади.***

Шу билан бирга, сиёсий партиялар томонидан сайловчиларнинг партияни қўллаб-қувватловчи имзоларини тўплаш жараёни якунланди. Ҳар бир партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур эди. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги лозим.

6 октябрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий сайлов комиссиясига парламент сайловида иштирок этиш учун зарур ҳужжатларни тақдим қилди.

Шундай қилиб, барча сиёсий партиялар: Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш учун тегишли ҳужжатларни Марказий сайлов комиссиясига топширди.

Марказий сайлов комиссиясида имзо варақалари тўғри тўлдирилганлигини текшириш бўйича ишчи гуруҳи ўз ишини давом эттирмоқда. Унинг таркибида Марказий сайлов комиссияси аъзолари, жамоат ташкилотларининг вакиллари, ички ишлар, адлия органларининг, шунингдек, аҳолини ҳисобга олиш билан шуғулланувчи муассасаларнинг мутахассислари бор.

Имзо варақаларини текшириш жараёнида ҳар бир сиёсий партиянинг ваколатли вакили ҳам иштирок этаяпти.

Марказий сайлов комиссияси тақдим этилган ҳужжатлар асосида қонунда белгиланган муддатда партиянинг сайловда қатнашишига ижозат бериш тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилади.

**(ЎзА)**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Аскар Ёкубов (ЎзА) олган сурат

## ТИНЧЛИК ҲУКМРОН МАМЛАКАТДА ТУРИЗМ ҲАМ РИВОЖЛАНАДИ

***«Ўзэкспомарказ»да 6 октябрь куни «Ипак йўлидаги туризм» XX Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси очилди.***

«Ўзбектуризм» миллий компанияси ва «Буюк Ипак йўли» реклама агентлиги томонидан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти (ЮНВТО) кўмагида ташкил этилган мазкур форумнинг очилишида мамлакатимиз ва хорижий давлатларнинг сайёҳлик фирма ва компаниялари, меҳмонхоналар вакиллари, соҳа мутахассислари ҳамда юртимизда аккредитациядан ўтган дипломатик корпус вакиллари иштирок этди.

Тадбирда «Ўзбектуризм» миллий компанияси раиси Фаррух Ризаев, БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ижрочи директори Шахзонг Зу ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик соҳасини изчил тараққий эттириш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўзининг юксак самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади.

Мамлакатимиз сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга. Давлатимиз раҳбари раҳнамолигида туризм саноатини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизнинг фусункор табиати, бой тарихи ва маданияти, бетакрор қадрияту анъаналари ҳамда муқаддас қадамжолари, ноёб меъморий обидалари ва серфайз гўшалари жаҳон сайёҳларини тобора ўзига ром этмоқда. Мамлакатимизда қарор топган мустаҳкам тинчлик ва барқарорлик, ўзаро меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжиҳатлик муҳити, жаҳонга машҳур ўзбекона меҳмондўстлик, замонавий меҳмонхоналар ва дам олиш масканлари, юксак сифатли хизмат уларнинг мазмунли ҳордиқ чиқариши учун қулай имконият яратмоқда. Бу Ўзбекистонга келаётган сайёҳлар сафининг муттасил кенгайиши, ички туризмнинг ривожланиши, янги иш ўринлари яратилиши ва аҳоли фаровонлигининг ошишига хизмат қилаётир.

(Давоми 2-бетда)

## XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Қорақалпоғистон Республикаси пахтакорлари жорий йилда 94 минг 700 гектар майдонда мўл ҳосил етиштирди. Айни кунларда ана шу қимматбаҳо хомашёни қисқа муддатларда йиғиб-териб олиш ишлари қизғин давом этмоқда.**

**• Навоий вилояти Хатирчи туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Соли бобо» фермер хўжалиги қошида гўштни қайта ишлаш цехи иш бошлади.**

**• Бухоро вилоятининг Когон туманидаги 2-умумтаълим мактабида таълим-тарбия олаётган ўқувчиларнинг спорт билан шуғулланиши учун имконият янада кенгайди. Улар янги спорт залига эга бўлди. Жорий йилда вилоятнинг Ғиждувон, Ромитан ва Шофиркон туманларидаги бир нечта мактабда ҳам шундай спорт заллари барпо этилди. Ҳар қайсисида кунига 150 нафаргача ўғил-қиз шуғулланадиган мазкур объектлар Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қурилди.**

### ЖАҲОНДА

**• Япониядаги Онтаке вулқонининг отилиши ўнлаб қурбонларга сабаб бўлган. Тоғ этакларида камида 30 одам «юрак уриши аломатларисиз» топилган. Вулқон отилиши юзлаб туристлар ва альпинистларни саросимага солиб қўйган. Кўпчилик қочиб қутилган, бир неча одамга эса қутқарувчилар ёрдам берган. Ўнлаб одамлар тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган. Ҳукумат тоғда ҳали ҳам одамлар қолган деб ҳисоблаяпти. Қутқарув ишларига 550 ҳарбий хизматчи жалб қилинган.**

**• АҚШнинг Майами шаҳри тунги клубларидан бирида якшанба оқшомида содир бўлган отишма натижасида 15 киши жароҳат олган.**

**• Нью-Йорк устидан учиб ўтаётган иккита енгил двигателли самолёт осмонда тўқнашиб кетди. Натижада икки киши ҳалок бўлди. Cessna 172 ҳамда SeaRay деб номланган самолётларнинг тўқнашуви сабаблари ҳам маълум эмас. Бироқ биринчи самолётнинг Ланкастер шаҳрига қулаб тушгани аниқланган. Ҳодисанинг иккала қурбони ҳам айнан шу самолётда бўлган.**

# ТИНЧЛИК ҲУКМРОН МАМЛАКАТДА ТУРИЗМ ҲАМ РИВОЖЛАНАДИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ўзбекистон сайёҳлик кўлами ва тарихий обидалари кўплиги бўйича дунёдаги етакчи ўн мамлакат қаторидан жой олган. Мамлакатимизда етти мингдан зиёд тарихий ва маданий ёдгорлик бор. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз шаҳарлари ЮНЕСКОнинг жаҳон мероси рўйхатига киритилган.

Мамлакатимизда сайёҳлик инфратузилмасининг барча тармоқларини изчил ривожлантириш мақсадида янги-янги замонавий меҳмонхоналар, дам олиш масканлари, аэропортлар ва транспорт коммуникациялари барпо этилмоқда, янги сайёҳлик маршрутлари ишлаб чиқилмоқда, сервис хизмати тубдан яхшиланаётир.

Сайёҳлик борасидаги улкан салоҳиятни чет элларда оммалаштириш, юртимизга сайёҳларни янада кўпроқ жалб қилиш мақсадида мамлакатимиз сайёҳлик ташкилотлари йирик халқаро сайёҳлик кўргазмаларида мунтазам иштирок этмоқда. Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида сайёҳликни ривожлантиришга доир манзилли дастурлар, экотуризм, альпинизм, отда, туяда, автомобилда саёҳат қилиш, off-road саёҳатлари, балиқ ови, рафтинг, геотуризм, маданий-маърифий туризм каби янги сайёҳлик дастурлари амалга оширилмоқда.

Сайёҳлик соҳасининг ҳуқуқий асослари ҳам изчил такомиллаштириб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 10 октябрдаги «Ўзбекистон Республикасида туризм соҳасини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори туризм ва туристик инфратузилмани ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш, миллий туристик хизматларни халқаро сайёҳлик бозорларига фаол киритишга хизмат қилаётир.

Мамлакатимизда халқаро туризм билан бир қаторда ички туризмни ҳам изчил ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Зеро, ички туризм иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини юксалтиришнинг муҳим омилидир. Шу боис мамлакатимизда ҳудудларнинг сайёҳлик имкониятларини ошириш ва тарғиб этиш, курортлар ҳамда сайёҳлик ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда. Ҳар бир ҳудуднинг ўзига хос жиҳатлари, ички имкониятларидан келиб чиққан ҳолда манзилли дастурлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимизда янги туристик маршрутларни ишлаб чиқиш, тарихий-археологик боғлар барпо этиш, қишлоқ жойларда туризм ва туристик хизматларни ривожлантириш, автомагистрал йўллар, сервис хизмати кўрсатиш мажмуаларини барпо этиш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар юртдошларимизнинг мамлакатимиз бўйлаб саёҳат қилиши учун қулай шароит яратиш имконини бермоқда.

Ўзбекистонга келаётган сайёҳларга сифатли хизмат кўрсатиш, юртимиз ҳақидаги тасаввурларини бойитиш соҳа ходимларидан юксак билим ва малака талаб этади. Шу мақсадда Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, пойтахтимиздаги Сингапур менежментни ривожлантириш институти, Тошкент, Самарқанд, Бухоро ва Хива шаҳарларидаги туризм коллежларида сайёҳлик маркетинги ва менежменти, хизмат кўрсатиш, халқаро туризм, меҳмонхона хўжалиги ва ресторан иши йўналишлари бўйича малакали мутахассислар тайёрланмоқда. Туризм соҳасида мутахассислар тайёрлаш ушбу тармоқ ривожига мутаносиб равишда такомиллашиб бораётгани самарасида хизмат кўрсатиш сифати ошиб, мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти, обрў-эътибори янада юксалмоқда

Ўзбекистон билан БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти ўртасидаги алоқалар изчил тараққий этаётир. Мамлакатимиз ушбу ташкилотга 1993 йили аъзо бўлган. 2004 йилдан буён Самарқандда Жаҳон сайёҳлик ташкилотининг Буюк Ипак йўлидаги минтақавий маркази фаолият кўрсатмоқда.

Жорий йилнинг 1-3 октябрь кунлари Самарқандда БМТ Жаҳон сайёҳлик ташкилоти Ижроия кенгашининг 99-сессияси муваффақиятли ўтказилгани Ўзбекистон билан мазкур халқаро ташкилот ўртасидаги фаол ҳамкорлик юксак суръатларда ривожланиб бораётганидан далолат беради. Сессиянинг очилиш маросимида Президентимиз нутқ сўзлагани мамлакатимизда туризм ривожига нақадар юксак эътибор қаратилаётганининг амалий тасдиғи бўлди. Ўттиздан ортиқ мамлакат делегациялари иштирок этган ушбу мажлисда халқаро туризмни янада ривожлантириш ҳамда «Буюк Ипак йўли» брендини кенг жорий этишнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди. Мазкур сессиянинг айнан юртимизда ўтказилгани Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги нуфузи тобора юксалиб бораётганининг яққол тасдиғи ва мамлакатимиз улкан сайёҳлик салоҳиятининг яна бир эътирофидир.

Ўзбекистонда ЮНВТО билан ҳамкорликда халқаро сайёҳлик ярмаркалари, анжуманлар ва семинарлар мунтазам ташкил қилинмоқда. 1994 йилдан буён анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Ипак йўлидаги туризм» Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси шулар жумласидандир. Ўтган давр мобайнида ушбу ярмарка Марказий Осиёнинг туризм соҳасидаги йирик форумига айланди.

Мазкур ярмарка жаҳон жамоатчилигини мамлакатимизнинг сайёҳлик борасидаги улкан салоҳияти билан кенг таништириш, хорижнинг сайёҳлик компаниялари билан ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлаш, юртимизда сайёҳлик бизнесини изчил ривожлантиришга хизмат қилаётир.

Жаҳонда барча турдаги сайёҳлик хизмати кўрсатадиган компанияларни бирлаштирадиган мазкур ихтисослаштирилган кўргазма мамлакатимиз ва чет эл сайёҳлик бизнеси мутахассислари учун мўлжалланган. Бу йил ярмаркада Жанубий Корея, Испания, Австрия, Швейцария, Ҳиндистон, Малайзия, Бирлашган Араб Амирликлари, Таиланд, Сингапур, Венгрия, Чехия, Руминия, Латвия, Польша, Индонезия, Эрон, Туркия каби дунёнинг қирқдан ортиқ мамлакатидан кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари иштирок этмоқда.

– Ўзбекистоннинг сайёҳлик бозори биз учун ғоят истиқболли. Мамлакатингиз сайёҳлик салоҳияти изчил юксалиб бораётир, – дейди Бирлашган Араб Амирликлари «Alpha Tours» компанияси бошқарувчи директори Аднан Ариди. – Ўзбекистондаги тинч ва осуда, фаровон ҳаёт сайёҳларнинг бу юртга саёҳат қилишга бўлган иштиёқини оширмоқда. Юртингизда сайёҳликни жадал тараққий эттириш учун барча омиллар мавжуд. Биз ўзбекистонлик ҳамкасблар билан ўзаро фойдали ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишдан манфаатдормиз.

Бу гал «Туризм ва санъатнинг ипак боғлами» шиори остида ўтказилаётган Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси сайёҳлик саноатининг замонавий йўналишларини қамраб олган. Унда сайёҳлик бозорининг барча тузилмалари – туроператорлар, турагентлар, йирик тармоқли меҳмонхона мажмуалари ҳамда хусусий отеллар, санаторийлар, курортлар, автотранспорт компаниялари, авиаташувчилар, глобал буюртма тизимлари, турбизнес ва бошқа сайёҳлик хизматларининг дастурий таъминотчилари, музейлар ҳамда маданий ҳордиқ чиқариш ва дам олиш саноати корхоналарининг хизматлари, соҳага оид замонавий технологиялар таклиф этилмоқда. Ярмаркада бизнес, экологик, спорт ва маърифий саёҳат, экскурсия, круиз, меҳмонхона ва ресторан сервиси, соҳага доир кўчмас мулк ва суғурта, соғломлаштириш каби йўналишларга оид бўлимлар иш олиб бормоқда.

– Ўзбекистоннинг изчил тараққиёти, хушманзара ва фусункор табиати, дўстона муҳит, ўзбекона меҳмондўстлик каби кўплаб омиллар барчага бирдек манзур бўлиши шубҳасиз, – дейди Сингапурнинг «Apple World» компанияси бизнесни ривожлантириш бўйича менежери Зу Цяо Лин. – Юртингиздаги кўп асрлик тарихий обидалар кўз қорачиғидек асраб-авайлаб келинаётганига лол қолдим. Компаниямиз Ўзбекистон билан Сингапур ўртасида сайёҳлик алмашувини йўлга қўйиш ниятида. Бунинг учун ҳар икки мамлакатда ҳам улкан салоҳият мавжуд. Яқинда Сингапур билан Ўзбекистон ўртасида тўғридан-тўғри авиақатнов йўлга қўйилгани сайёҳлик борасидаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга хизмат қилаётир.

Ярмаркадан ўрин олган «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат миллий павильони»да мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан ўнлаб сайёҳлик фирма ва компаниялари иштирок этмоқда. Экспозициядан Ўзбекистоннинг ҳудудий маъмуриятлари ва сайёҳлик компаниялари билан бир қаторда ўқув ва соғломлаштириш марказлари, театрлар, музейлар, сайёҳлик агентликлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ҳудудий бўлимлари, Хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳам ўрин олган.

Хорижнинг нуфузли халқаро сайёҳлик фирмалари, миллий сайёҳлик компаниялари, меҳмонхона ва ресторанлар каби кўплаб ташкилотлар вакиллари мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти ва таклиф этилаётган хизматлар, мафтункор табиат, тарихий обидаларимиз ва халқимизнинг ноёб қадриятлари акс этган экспонатлар, халқ ҳунармандлиги буюмлари, фотоэкспозициялар, экотуризм ва спорт туризми, авиатранспорт, меҳмонхона, суғурта ва банк хизматлари, миллий ва ҳудудий сайёҳлик ташкилотлари, сайёҳлик операторлари ва агентлари фаолиятига оид кўплаб маълумот ва адабиётлар билан танишиш имкониятига эга. «Туризм соҳасида ахборот технологиялари», «Меҳмонхона ва жойлашиш объектлари», «Транспорт хизматлари», «Суғурта хизматлари», «Гастрономик туризм» бўлимлари ишлаб турибди. Ўзбекистон санаторий ва шифохоналари эса алоҳида стендда тақдим этилган.

Миллий павильонда ярмаркага келувчилар Ўзбекистоннинг иқтисодий ва сармоявий салоҳияти билан танишиши мумкин. Ярмарка доирасида ташкил этилган «Миллий таомлар фестивали», «Шарқ бозори» экспозицияларида иштирокчиларга ўзбек миллий таомлари ҳамда саховатли заминимизда етиштирилган сархил мева ва сабзавотлар билан танишиш, миллий пазандалигимизга оид маълумотларга эга бўлиш имконияти яратилган. «Ҳунармандлар шаҳарчаси» бўлимида намойиш этилаётган миллий ҳунармандлик намуналари анжуман қатнашчиларида катта қизиқиш уйғотмоқда.

– Компаниямиз Сурхондарёнинг гўзал масканларига саёҳат уюштириш билан шуғулланади, – дейди «Surkhantourism» масъулияти чекланган жамияти директори Зафар Намозов. – Термиз-Денов, Термиз-Бойсун ва Термиз-Музработ йўналишлари бўйлаб қизиқарли саёҳатлар уюштирилмоқда. Улар орқали меҳмонлар пурвиқор тоғлар табиати, Сурхондарёнинг ўзига хос маданий меросидан баҳраманд бўлмоқда. Сариосиё туманидаги Сангардак шаршараси, Шеробод туманидаги Зараутсой ғори йўналишларида экотуризм ривожланмоқда. Йил сайин сайёҳлик турларимизни янада бойитиб, жуда мазмунли ва қизиқарли экскурсия дастурларини ишлаб чиқяпмиз. Сурхондарёда нафақат халқаро туризм, балки ички туризм ҳам жадал ривожланмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси экспозицияси стендларининг махсус бўлими таълим туризмига бағишланган. Унда мамлакатимизнинг ушбу соҳада кадрлар тайёрлаётган олий, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув муассасалари – Тошкент давлат иқтисодиёт университети, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, пойтахтимиздаги касб-ҳунар коллежлари, «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ўқув маркази тақдим этилган.

Ўзбекистонлик ва хорижлик санъаткорлар томонидан намойиш этилаётган концерт дастурлари, ўзбек миллий либослари тақдимоти меҳмонларга манзур бўлмоқда.

Тошкент халқаро сайёҳлик ярмаркаси доирасида энг яхши сайёҳлик йўналиши тақдимоти, компания ва меҳмонхона тақдимоти, энг яхши стенд, тематик бўлим ва туристик имкониятлар, энг яхши сервис, энг яхши дизайн, кўп йиллик ва сермаҳсул ҳамкорлик каби қатор йўналишларда танловлар бўлиб ўтади.

Ушбу ярмарка бу гал ҳам жаҳон сайёҳлик бизнеси вакилларига соҳа юзасидан ўзаро тажриба алмашиш, долзарб сайёҳлик муаммоларини муҳокама қилиш, янги лойиҳаларни намойиш этиш имконини беради. Тадбир доирасида мамлакатимизга сайёҳларни янада кенгроқ жалб қилиш борасида хорижий ҳамкорлар ва мутахассислар билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш, ҳамкорликка оид қатор битимлар имзоланиши кутилмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

---

*Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг*
*ҚАРОРИ*

## ШАЙХОНТОҲУР ТУМАНИДА ИЖТИМОИЙ МУҲОФАЗАГА МУҲТОЖ ВА ИШ ТОПИШДА ҚИЙНАЛАЁТГАН ШАХСЛАРНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ УЧУН ИШ ЎРИНЛАРИНИ 2015 ЙИЛ УЧУН БАНД ҚИЛИБ ҚЎЙИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикасининг «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонунининг 17-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 1998 йил 5-6-сон, 97-модда), «Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг (янги таҳрири) 25-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 7-сон, 353-модда), Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»ги Қонунининг 8-моддасига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Ахборотномаси 2008 йил 4-сон, 190-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 йил 15-сон, 156-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги Низомга (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 йил 34-сон, 333-модда, 2010 йил 13-сон, 96-модда, 2011 йил 1-2-сонлар, 4-модда, 2012 йил 44-сон, 507-модда) мувофиқ ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2015 йилга мўлжалланган банд қилиниши керак бўлган иш ўринлари сонини ва уларга қўйиладиган талабларини белгилаш бўйича туман махсус комиссиясининг 2014 йил 15 сентябрдаги баёнини инобатга олиб,

**ҚАРОР ҚИЛАМАН:**

1. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун тумандаги 218 та ташкилотларда аҳолининг қуйидаги тоифалари учун жами 2676 та иш ўринлари банд қилиб қўйилсин:

ёлғиз ота, ёлғиз она ва 14 ёшгача бўлган ногирон болалари бор кўп болали ота-оналар учун – болаларини тарбиялаш ва меҳнат мажбуриятлари бўйича вазифаларни уйғунлаштириш имконини берадиган, ўзгарувчан иш жадвалига эга бўлган иш ўринлари;

таълим муассасаларини тугатган ёшлар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

муддатли ҳарбий хизматдан бўшатилган шахслар учун – уларнинг касб бўйича тайёргарлигига мувофиқ бўлган иш ўринлари;

ногиронлар учун – меҳнат шароитлари бўйича аттестациядан ўтказилган ҳамда ходимга иш жараёнларини тўсқинликсиз бажариш имконини (соғлиғининг аҳволи ва меҳнат фаолиятига нисбатан белгиланган зид кўрсаткичлар ҳисобга олинган ҳолда) берадиган иш ўринлари;

бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш туман марказида иш қидирувчи сифатида ҳисобда турган пенсия ёшига яқинлашиб қолган шахслар учун – махсус малакани талаб қилмайдиган иш ўринлари;

одам савдосидан жабрланганлар учун иш ўринлари.

2. Шайхонтоҳур туманида ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларининг 2015 йил учун банд қилиб қўйиши лозим бўлган ташкилотлар рўйхати иловага асосан тасдиқлансин.

3. Иш ўринларини банд қилувчи ташкилотлар раҳбарларига:

ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни иш билан таъминлаш учун 2014 йил якунланишидан 10 кун олдин банд қилинган иш жойлари умумий миқдорининг камида 25 фоизи учун, 2015 йилнинг 10 апрелидан кечикмай иш жойларининг қолган қисми 75 фоизини барпо этиш (ажратиш ёки банд қилиб қўйиш) тўғрисидаги, яъни ҳар бир тоифа бўйича иш ўринлари банд қилиб қўйиладиган касблар ва лавозимлар, мутахассисликлар туман бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш марказига тақдим этилсин;

иловадаги шахслар учун иш ўринларининг санитария-гигиена нормалари ва меҳнат шароитларига мувофиқлаштирилиши таъминлансин.

4. Ушбу қарор ижроси бажарилмаган тақдирда ташкилотнинг мансабдор шахсларига «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисидаги Низом»нинг 15-бандига мувофиқ жарима солинади.

5. Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахслар учун банд қилиб қўйиладиган иш ўринларини иловада белгиланган миқдордан ортиқча ташкил этган ташкилотлар ушбу иш ўринларини ташкил этишга сарфланган маблағларнинг бир қисмини туман Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази билан тузилган шартнома асосида Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш ҳуқуқига эга эканликлари инобатга олинсин.

6. Бандликка кўмаклашувчи ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази (Д.Рашидов):

ташкилотлар раҳбарлари томонидан мазкур қарорни тўлиқ бажариш юзасидан қатъий назорат ўрнатилсин.

7. Шайхонтоҳур туман ҳокимининг 2013 йил 23 сентябрдаги «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун 2014 йилга мўлжалланган иш ўринларини банд қилиб қўйиш тўғрисида»ги 371-сон қарори 2014 йил 31 декабрдан ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

8. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан бошлаб кучга киради.

9. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Шайхонтоҳур тумани ҳокимининг ўринбосари К.Захидов зиммасига юклатилсин.

**Шайхонтоҳур тумани ҳокими**
**М.Мирқосимов**

*2014 йил 25 сентябрь*

***Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг toshkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.***

---

Реклама ўрнида

KAPITALBANK

МАҚСАДЛАРНИ БИРЛАШТИРИБ, МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШАМИЗ

Банк ва мижоз

# АҲОЛИ ИШОНЧИ ОРТМОҚДА

***Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, юрт ривожига ҳисса қўшишни дилига туккан тадбиркорларга қулай шарт-шароитлар яратиш ва уларнинг ҳуқуқий эркинлигини таъминлаш борасида кенг кўламдаги ишлар олиб борилмоқда.***

Хусусан, Ўзбекистондаги энг йирик тижорат банклари қаторида ОАТБ «Капиталбанк» ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда. Ушбу хайрли мақсад йўлида жорий йилнинг январь-июль ойлари мобайнида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 25 майдаги «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори ижроси бўйича тадбиркор аёлларга жами 40,835 миллиард сўм, 2009 йил 26 январдаги «Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан эса жорий йилнинг ўтган етти ойи давомида хўжалик юритувчи субъектларга 15,456 миллиард сўмлик кредит ажратилган.

Эътиборлиси, берилаётган имтиёзли кредитлар аниқ мақсадли лойиҳаларни амалга ошириш, ҳам жамият учун, ҳам ўз оиласи учун наф келтираётган тадбиркорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. «Меҳнатдан келса бойлик — турмуш бўлар чиройлик» нақли бугунги кунда шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган замонавий, кўркам маиший хизмат кўрсатиш ва сервис корхоналари, айниқса гўзаллик салонларининг ишга тушиши, хотин-қизларнинг иш билан таъминланиши, қолаверса, кўплаб юртдошларимизнинг ўз ташаббуси ва меҳнати ортидан оиласи фаровонлигини таъминлаб, юрт ободлигига ҳисса қўшаётганида бўй кўрсатмоқда.

— Бугунги кунда банк хизматларидан фойдаланиш ўз мақсадини амалга ошириш, корхона ташкил этиб тадбиркорликка қўл уришга бел боғлаган ишбилармонлар учун асосий масалалардан бири ҳисобланади, — дейди «O'ZBEGIM AGRO» Ўзбекистон — Германия қўшма корхонаси директори А. Мамазияев. — Чунки тўғри танланган банк келажакда корхонанинг ривожланиб, кўзланган мақсадга етишда асосий омиллардан биридир. Бизнинг корхонамиз ҳам ОАТБ «Капиталбанк»нинг Самарқанд филиали хизматидан фойдаланиб, ўзаро яқин ҳамкорликда фаолият юритиб келмоқда. Банк томонидан бизга таклиф этилган кредит турлари бугунги кунда ўзини оқлаб, келгусида ҳам ундан фойдаланишга замин бўлмоқда. 2014 йил июль ойида ажратилган 489,1 миллион сўмлик кредит эвазига Германияда ишлаб чиқарилган «VORSAN SA 200» русумли мева шарбати ишлаб чиқарадиган ускуна олинди. Бунинг ҳисобига 3 та янги иш ўрни яратилди. Яратилган шарт-шароит туфайли бугунги кунда асосий фаолият туримиз ҳисобланмиш сутни қайта ишлаб чиқариш бўйича режадан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, истеъмолчиларга етказиб берилмоқда.

Келажакда ОАТБ «Капиталбанк» билан ҳамкорликни янада кучайтириб, аҳолига сифатли сут маҳсулотлари етказиб бериш ҳажмини кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз. Ишонамизки, бу борада банк томонидан ҳеч қандай муаммолар бўлмай, улар бизни қўллаб-қувватлашади.

«Соғлом бола йили» Давлат дастурида белгиланган устувор вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида банк томонидан кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, янги иш ўринлари ташкил этишга йўналтирилган лойиҳаларни амалга ошириш ҳамда аҳолининг моддий ва маънавий турмуш шароитини янада яхшилаш йўлидаги тадбирларни кредитлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жорий йилда касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига 1.374 миллиард сўм миқдорида кредитларнинг ажратилгани фикримиз далилидир. Бундан ташқари Республикамиз Президентининг 2007 йил 21 майдаги «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорининг бажарилишини таъминлаш мақсадида банк томонидан 27, 628 миллиард сўм кредит ажратилган.

— Айни вақтда мамлакатимизда ишбилармонлик муҳитини янада яхшилаш, тадбиркорликка кенг эркинлик бериш мақсадида қатор имтиёз ва қулайликлар яратилган, — дейди «Ҳабибуллаева Комила Муидиновна» масъулияти чекланган жамияти директори К.Ҳабибуллаева. — Биз ҳам ушбу имкониятлардан фойдаланиб асфальт ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мақсадида ОАТБ «Капиталбанк»нинг Бухоро филиалига кредит сўраб мурожаат қилдик. Банк ходимлари мақсадимизни тезда тушуниб, кредит турлари, имтиёзлари ва шартлари ҳақида батафсил маълумот беришди. Уларнинг йўл- йўриқлари ва тавсиялари жамиятимиз фаолиятининг яхши йўлга тушиб, олдимизга қўйган мақсадни амалга оширишимизга замин бўлди десак муболаға бўлмайди. 2014 йилнинг апрель ойида бизга ажратилган 450 миллион сўмлик кредит эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 2,5 баробарга ортиб, қўшимча 2 та иш ўрни яратилди. Сифатли ҳамда харидорбоп маҳсулотимизга бугунги кунда талаб тобора ортиб бормоқда. Биз келгусида аҳоли эҳтиёжини ўрганган ҳолда ишлаб чиқариш ва хизмат турларини янада кенгайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйдик. Бунда бизга яна банк ходимлари ёрдамга келадилар ва намунали хизматлари билан хайрли мақсад йўлидаги ишларимизга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшадилар, дея умид қиламиз.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, мамлакатимиз тараққиётида тадбиркорларнинг ўрни салмоқли. Шунинг учун ҳам уларга барча шарт-шароит ва имкониятлар яратилмоқда. ОАТБ «Капиталбанк» жамоаси ҳам ўз фаолиятини мана шу асосий мезонга қаратган ҳолда тадбиркору ишбилармонларни ҳамиша қўллаб-қувватлашга ўз ҳиссасини қўшиб бораверади.

**Шоира МУХАМЕДОВА**

---



Танловлар

# ЭНГ ФАОЛ МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТЧИЛАРИ БАҲС ЮРИТДИ

***Республика Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими томонидан «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.***

Танловда туманларда ғолиб бўлган тарғиботчилар ўзаро беллашиб, кўрик шартларидан келиб чиққан ҳолда, қадимий ва гўзал диёримизнинг жаҳон цивилизацияси бешиги бўлганини эътироф этишди, муқаддас заминдан етишиб чиққан буюк алломалар фаолияти ҳақида кенг тушунчалар беришди.

— Маънавият кенг тушунча, унга ҳар соҳа нуқтаи назаридан эътибор қаратиш мумкин, — дейди Республика Маънавият тарғибот маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Фурқат Маҳмудхўжаев. — Мазкур танловнинг ўтказилишидан мақсад эса маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, ноёб ва бетакрор намуналари, бугунги кундаги ривожланиш тамойиллари ҳақида аниқ мақсадларга қаратилган тарғибот ишларини мунтазам равишда олиб бориш, ёшларни Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш, миллий урф-одатларимизнинг ҳаётимиздаги ўрни ва аҳамиятини ҳар томонлама очиб беришга қаратилган. Жумладан, бугунги кунда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишлари, кенг кўламли ислоҳотларимизнинг мазмун-моҳиятини атрофлича шарҳлаш ва тушунтириш танловнинг асосий вазифаси қилиб белгиланган. Бинобарин, олимлар, турли соҳа мутахассислари иштирокида жойларда тарғибот ишларини самарали йўлга қўйиш, ёш авлод қалбига миллий ғурур ва комил инсон тарбияси билан боғлиқ тушунчаларни сингдириш, тарғибот ишларини миллий ва умумбашарий қадриятлар асосида ташкил этиш орқали халқимиз онгида Ватанга меҳр-муҳаббат руҳини шакллантиришдан иборат.

Бинобарин, фарзандларимиз қалбида соғлом дунёқараш асосларини мустаҳкамлаш бўйича самарали ишларни йўлга қўйиш маънавиятчиларнинг асосий вазифасидир.

Танлов якунларига кўра Тошкент Ислом университетининг маънавий-маърифий ишлар бўйича проректори Уйғун Ғофуров биринчи ўринга сазовор бўлди ва «Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси» кўрик-танловининг Республика босқичига йўлланма олди.

Тадбир сўнгида иштирокчилар фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТДА: танловдан лавҳа**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

***Тошкент шаҳар ва туманлар ҳокимларининг аҳоли билан очиқ мулоқотлари тобора анъанага айланиб бормоқда. Хусусан, туманлар раҳбарлари жорий йилда учинчи бор аҳоли билан телевизион эфир орқали юзма-юз бўлишди.***

**Янги ташаббус**

## ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН БЕВОСИТА МУЛОҚОТ

Шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент» телерадиоканали ҳамкорлигида ташкил этилган навбатдаги «Очиқ мулоқот» кўрсатувлари давомида туманлар фуқаролари ўз раҳбарлари, коммунал соҳалар мутасаддиларига жорий куз-қиш мавсумига доир ўнлаб саволларни бериш, ўзларини қийнаётган масалалар бўйича мурожаат қилиш имконига эга бўлдилар.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги Ўзбекистон Республикасининг «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш нуқтаи назаридан октябрь-ноябрь ойлари давомида туман ҳокимларининг матбуот анжуманларини ташкил этишга қарор қилди. Мазкур тадбирларда туманлар ҳокимлари ўз туманларининг ишлаб чиқариш салоҳияти, инвестиция борасидаги имкониятлари, янги иш ўринларини яратиш, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини иш билан таъминлаш ва бошқа долзарб масалалардаги фаолиятлари ҳақида тақдимот тайёрлайдилар. Шундан сўнг журналистларнинг саволларига жавоблар берилади.

**2014 йил — Соғлом бола йили**

## АНЪАНАВИЙ ҚЎҒИРЧОҚ БАЙРАМИ

***Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида анъанавий қўғирчоқ санъати байрами бўлиб ўтди.***

Тадбирда Қорақалпоғистон Республикаси, пойтахтимиз ҳамда вилоятларда фаолият юритаётган қўғирчоқсоз усталар, ҳаваскор қўғирчоқ театрлари жамоалари ўзларининг ижод намуналари билан иштирок этдилар. «Устоз-шогирд» анъаналари асосида соҳа мутахассислари ва олимлар иштирокида амалий-услубий машғулотлар ҳамда «Қўғирчоқбозлик санъати ва давр» мавзуида мулоқот ва маҳорат дарслари ўтказилди.

Санъат байрамида санъатшунослик фанлари доктори, профессор Муҳсин Қодиров, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Фатхулла Хўжаев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими Маматқул Жўраев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси Марям Ашурова каби соҳа мутахассислари соҳа ривожи хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Республика қўғирчоқ театри, Ўзбекистон Давлат санъат ва маданият институти қўғирчоқ театри актёрлиги кафедраси ўқитувчи ва талабалари, Олмалиқ шаҳридан ташриф буюрган «Дракоша», Бекобод шаҳар Халқ қўғирчоқ театри, Мансур Курёзов раҳбарлигидаги «Жайхун» қўғирчоқ театрининг маҳоратли актёрлари ҳам ўз санъатларини намоён қилишди. Улар «Ур тўқмоқ» эртагини, «Қўғирчоқ» спектаклини томошабинлар эътиборига ҳавола этдилар.

Сергели тумани маданият ва аҳоли дам олиш маркази қошидаги «Карвон» халқ қўғирчоқ театри актёрларининг саҳна кўринишлари ҳам барчага манзур бўлди.

Тадбир доирасида Республика «Ҳунарманд» уюшмаси ва шаҳримиздаги «Баркамол авлод» болалар маркази қошида фаолият юритаётган қўғирчоқ ясовчи тўгарак қатнашчиларининг ижодий асарлари асосида кўргазмалар ташкил этилди.

Тадбир сўнгида фаол иштирокчиларга Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғи мутасаддиларининг мақтов ёрлиғи ва ташаккурномалари тақдим этилди.

**Гулнигор САТТОРОВА**

**Фестиваллар**

## КАМАЛАК ЮЛДУЗЛАРИ

***Айни кунларда пойтахтимизда «Камалак» юлдузлари» болалар ижодиёти фестивалининг туман босқичлари бўлиб ўтмоқда.***



Ушбу тадбир Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт, Халқ таълими вазирликлари, Ўзбекистон Бадиий академияси, Ўзбекистон «Камолот» ЁИҲ, Ҳаракат қошидаги «Камалак» Республика болалар ташкилоти ҳамкорлигида анъанавий равишда ўтказиб келинмоқда.

Фестивалнинг Олмазор тумани босқичи 25-сонли болалар мусиқа ва санъат мактабида бўлиб ўтди. Тадбирда Олмазор туманидаги умумтаълим мактабларининг 6-15 ёшгача бўлган иқтидорли ёшлари иштирок этди. Улар фортепиано, торли-камонли, дамли ва зарбли чолғу асбоблари, миллий ва академик ижро, эстрада, фольклор ва хор гуруҳлари, плекторли, камонли, дамли ва зарбли халқ чолғу асбобларида ўз санъатларини намойиш қилишди.

Жумладан, миллий ва замонавий рақслар, тасвирий графика, ранг-тасвир, ҳайкалтарошлик, зардўзлик, дўппидўзлик, гиламдўзлик, каштачилик, ганчкорлик, кулолчилик, ёғоч ўймакорлиги, насрий ва назмий йўналишларда ҳам ўзаро беллашдилар.

Фестиваль доирасида ҳар бир йўналиш бўйича энг кўп балл тўплаган иқтидорли ўқувчилар ғолиб ҳисобланиб, тадбирнинг кейинги яъни, шаҳар босқичида иштирок этиш йўлланмасини қўлга киритишди.

— Президентимиз раҳнамолигида юртимизда иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг мусиқа, рангтасвир, санъат ва маданият соҳаларидаги истеъдодини эрта кашф қилиш, ижодини ривожлантириш ва етарли шарт-шароитларни яратиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда, — дейди «Камолот» ЁИҲ Тошкент шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари Сардор Маҳкамов. — «Камолот» ЁИҲ эса бу борадаги вазифаларни амалга оширишда изчил фаолият олиб бормоқда. Мазкур фестиваль ҳам энг қобилиятли ёшларни саралаб олишда муҳим аҳамият касб этади.

Дарҳақиқат, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати иқтидорли болаларни излаб топиш, уларнинг истеъдодини намоён қилиш, маънавий оламини янада юксалтириш борасида қатор танловлар, тадбирлар, учрашувлар ва спорт мусобақаларини мунтазам равишда уюштириб келмоқда.

«Камалак» юлдузлари» фестивали ҳам келажагимиз эртаси бўлмиш ёш авлоднинг комил инсон бўлиб вояга етишида муҳим восита ҳисобланади.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**

**СУРАТДА: фестивалдан лавҳа**

**Ислом Исмоилов олган сурат**

***Атмосфера она сайёрамиз ҳаво қобиғи бўлиб, биосферада ҳаёт муқаррарлигини таъминловчи асосий омиллардан биридир. Атмосфера ҳавоси ерда яшайдиган барча жонзотларни зарарли коинот нурларидан ҳимоялайди, ҳароратнинг бир маромда бўлишини таъминлайди.***

## АТМОСФЕРА ҲАВОСИ МУСАФФОЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ — ДОЛЗАРБ МАСАЛА

Агарда ернинг ҳаво қобиғи бўлмаганда эди, ойдаги сингари ерда ҳам ҳаёт йўқ бўларди. Ойда ҳаёт йўқ, чунки ойнинг атмосфера ҳавоси мавжуд эмас, шу сабабли ҳам ойдаги ҳарорат кечаси — 110 даражагача совуқни, кундузи + 110 даражада иссиқни ташкил қилади. Ер атмосферасининг айни пайтдаги кимёвий таркиби бундан бир неча юз миллион йиллар олдин ташкил топган бўлиб, унинг асосини азот ва кислород ташкил қилади.

Бугунги кунда энг муҳим масалалардан бири — атмосфера ҳавоси мусаффолигини таъминлашдир. Атмосфера ҳавоси қуйидаги икки хил — табиий ва сунъий йўл билан ифлосланади.

Табиий ифлосланишга (инсон фаолиятига боғлиқ бўлмаган ҳолда, табиат томонидан содир бўладиган экзоген ва эндоген ҳодисалар) тупроқ заррачалари ва тоғ жинсларининг шамол, сув таъсирида емирилиши, вулқонлар отилиши оқибатида, вулқон аэрозоллари, зилзила оқибатлари, космик чанглар, шамол ва бўронлар, сув тошқинлари ва ҳоказолар киради.

Атмосфера ҳавосини сунъий ифлослантирувчи манбаларга антропоген (бевосита инсон фаолияти натижасида содир этиладиган ҳодисалар) омиллар ҳисобланган қуйидагилар асос бўлади: энергетика, саноат корхоналари, транспорт, кимё саноати, маиший чиқиндилар, инсоннинг қишлоқ хўжалиги фаолияти, радиоактив ва демографик ифлосланиш.

Инсоннинг турлича фаолияти туфайли атмосфера ҳавосига ҳар йили миллиардлаб тонна ҳар хил моддалар қўшилиши манбалардан маълум. Атмосфера газ таркибининг инсон фаолияти туфайли ўзгариши экологик муаммо кўринишида бўлсада, атмосферанинг ифлосланиш жараёни аллақачон умумбашарий тус олишга улгуриб бўлди. Сўнгги юз йилликда инсон фаолияти атмосферанинг табиий ривожланиш жараёнига салбий ўзгаришлар киритиб карбонат ангидрид гази кўпайиб, кислород миқдори камайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, атмосфера ҳавосида нефть, газ, кўмир ва бошқа ёқилғи манбаларининг ёниши, ўрмон ва чўл ёнғинлари, чиқиндилар саноати ва энергетикадан чиққан $CO_2$ гази ва қишлоқ хўжалигидан чиққан чанг-тўзонлар миқдори 2000 йилда 600-650 миллиард тоннани ташкил этган. Шуни ҳам очиқ эътироф этиш лозимки, атмосферадаги карбонат ангидриднинг камайишига инсон фаолияти туфайли ўрмонларнинг қирқилиб боришигина эмас, балки денгиз ва океанларнинг нефть ва бошқа турли хил чиқиндилар билан кўпроқ ифлосланиши ҳам сабаб бўлмоқда, чунки бу чиқиндиларнинг сувга турли сабабларга кўра ташланиши оқибатида сув юзидаги юпқа ёғ пардаси планктонларнинг фотосинтезини ҳамда сувнинг $CO_2$ни сингдиришини деярли йўққа чиқармоқда, сув гуллаб кетмоқда. Атмосферада $CO_2$нинг кўпайиши ўз-ўзидан $O_2$нинг камайишига сабаб бўлувчи омиллардан бири ҳисобланади, чунки ўсимлик кўп бўлса, кислород кўпайиб $CO_2$ камаяди.

Эркин кислороднинг асосий манбаи фотосинтез жараёнидир: чириш, нафас олиш, карбонатлар ҳосил бўлиб туриши сабабли атмосферада кислород баланси ўзгармайди. Лекин ўрмонлар, дов-дарахтлар, ўт-ўланларнинг камайиши натижасида атмосферага кислород кам ажралмоқда, океан, дарё, денгиз сувларининг нефть ва бошқа ҳар хил заҳарли моддалар билан ифлосланиши, сув ўтлари ва фитопланктонларнинг фотосинтез фаолияти анча сусайиши ҳам кислороднинг кам ишлаб чиқарилишига сабаб бўлмоқда. Ер шарида кислород ҳаддан ташқари кўп сарфланмоқда, ЮНЕСКО маълумотига қараганда, ҳозирги вақтда сайёрамизда турли мақсадларда сарфланаётган кислород миқдори 48 миллиард одамнинг ҳаёти учун етади. Биргина суперреактив лайнернинг бир трансатлантик рейси учун 35 тонна, бир автомобилнинг минг километр масофани босиб ўтиши учун бир кишига бир йилга етадиган кислород сарфланади. Инсониятни ташвишга солаётган яна бир муҳим масала — атмосферадаги озон ($O_3$) миқдори — яъни ер сатҳидан 10-15 километр баланд жойлашган озон экранидир. Озоннинг 20-25 км баландликда айниқса, кўп эканлиги ва ердаги ҳаёт учун зарарли ультрабинафша нурларни ушлаб қолиши муҳимдир. Австралия мутахассисларининг ҳисобича, ҳозирда ер сатҳидан 20 км баландликда озон концентрацияси жуда камайиб бораяпти. Ҳолбуки, тезучар самолётлар худди ана шу баландликда парвоз қилади. Реактив двигателлардан чиқадиган сув буғлари ва азот оксиди озонни парчалаб озон экранининг ҳимояловчи хусусиятини заифлаштиради. Озон экранининг йўқолиши эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин. Атмосферанинг ифлосланиши ҳавога ниҳоятда кўп миқдорда заҳарли ва зарарли моддалар, чанг-тўзон, тутун, микроблар, ўсимлик оксиди, водородсульфид, углеводородлар, органик моддалар, сульфидлар, нитратлар, қўрғошин, темир, фтор бирикмалари, радиоактив моддалар, пестицидларнинг қўшилиши демакдир. Ҳар йили ҳавога кўтарилган жуда кўп чанг-тўзоннинг Арктика, Антарктида ва тоғли ўлкалар музликлари устига тушиши, ўз навбатида, Қуёш радиациясининг ютилишини ошириб, музликларнинг кўпроқ эришига олиб келиши мумкин. XIX асрдаёқ қуёшнинг ердан қайтган нурларини атмосфера ҳавосида ушлаб қолиниши ва ер сиртининг исиб бораётганлиги соҳа мутахассисларига маълум бўлган. Инсон демографияси ва фан-техника талаблари ҳам шунчалик орта борди. Бу эса атмосфера ҳавосининг турли хил модда, элементлар билан ифлосланишига сабаб бўлди. Инсоният ўз фаолияти туфайли тўсатдан иқлимнинг кескин ўзгариши бўсағасига дуч келди. Афсуски, бу офатлар олдиндан режалаштирилмаган, шу сабабли ҳам бошқарилиши қийин бўлиб, фожиали оқибатларга олиб келиши мумкин. Буни сезмаслик ёки қўл қовуштириб ўтиришнинг ўрни эмас. Хуллас, атмосфера ҳавосининг зарарли газлар билан ифлосланиши давом этмоқда. Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, бу муаммони ҳал қилиш — олдини олишни барчамиз ўз оиламиздан бошлайлик. Масалан:

1.Ҳар куни ҳовлимизни супуришдан олдин сув сепиб сўнг орасталайлик.

2.Рўзғордан чиққан чиқиндиларни ариқларга оқизмайлик.

3.Карбонат ангидриди исканжасидан қутулиш учун ниҳол-дарахтлар экайлик ва кислороддан эркин нафас олайлик.

4.Пакетлардаги дорилардан эмас, ўз тупроғимизда ўсаётган ўт-гиёҳ, доривор-витаминли ўсимликлардан фойдаланишни ўрганайлик.

**Фотима ХАЛМЕТОВА,**
**Тошкент банк коллежи ўқитувчиси**

## Сўранг, жавоб берамиз

**Амаким кексалиги ва касаллиги сабабли васиятномани имзолай олмайди. Унинг ўрнига жияни сифатида мен имзолашим мумкинми?**

**С.Азимова,**
**Чилонзор тумани**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1124-моддасига мувофиқ:

Ёзма шаклдаги васиятнома васият қилувчининг ўз қўли билан имзоланиши лозим. Агар васият қилувчи жисмоний нуқсонлари, касаллиги ёки саводсизлиги туфайли васиятномани ўз қўли билан имзолай олмаса, унинг илтимосига биноан нотариус ёки қонунга мувофиқ васиятномани тасдиқлайдиган бошқа шахс ҳозир бўлганида васият қилувчи ўз қўли билан имзолай олмаганлигининг сабаблари кўрсатилгани ҳолда васиятномага бошқа шахс имзо қўйиши мумкин. Фақат айрим шахслар бундан мустасно:

– Нотариус ёки васиятномани тасдиқловчи бошқа шахс;

– Васиятнома кимнинг фойдасига тузилган ёки кимга нисбатан васият мажбурияти юклатилган бўлса, ўша шахс ва бу кишининг оила аъзолари, шунингдек, васият қилувчининг қонун бўйича меросхўрлари;

– Тўлиқ муомала лаёқатига эга бўлмаган фуқаролар;

– Саводсизлиги сабабли васиятномани ўқий олмайдиган бошқа шахслар;

– Ёлғон гувоҳлик берганлик учун муқаддам судланган шахслар;

Ва қонунда кўрсатилган бошқа шахслар васият қилувчининг ўрнига васиятномани имзолаши мумкин эмаслиги белгиланган.

**Шоира БИЛОЛХЎЖАЕВА,**
**Олмазор туманидаги 1-сонли ДНИ нотариуси**

* * *

**Ўзим бир неча йилдан буён шаҳарда яшайман. Вилоятда бобомнинг ҳовлиси бор. Бобом уни ҳаётлигида менга оғзаки васият қилган. Бир неча йилдан буён ўша уйда укам яшайди. Бобом вафот этгач, «ҳовлини сотаман» десам, укам қаршилик қилмоқда. Бу масалани қандай ҳал этса бўлади?**

**К.Олимов,**
**Бектемир тумани**

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1134-1135-моддаларига асосан: Мерос қолдирувчининг болалари, шу жумладан фарзандликка олинган болалари, турмуш ўртоғи, ота - онаси тенг улушларда биринчи навбатдаги ворислик ҳуқуқига эга бўлади. Сиз ота ҳовлингизни оғзаки тарзда берилган васиятномага асосан олишингиз мумкин эмас. Чунки васиятнома нотариал тартибда расмийлаштирилиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1124 - моддасида васиятноманинг шаклига доир умумий қоидалар кўрсатилган. Шунга кўра сиз бобонгиздан қолган мол-мулкдан барча қонуний меросхўрлар қатори ўз улушингизни олишингиз мумкин. Бунинг учун бобонгиз яшаган тумандаги давлат нотариал идорасига ариза билан мурожаат этишингиз кераклиги белгиланган.

**Гулноза ХУДОЙБЕРДИЕВА,**
**Шайхонтоҳур туманидаги 3-сонли ДНИ нотариуси**

* * *

**Ҳаётда инсонлар баъзан бир-бирлари билан ўзаро муносабатлари орқали яқинлашиб, тутинган ака-ука, опа-сингил ёки ота-она бўлиб кетадилар. Айтинг-чи, тутинган ота-она бўлишни қонуний жиҳатдан расмийлаштириш ҳам мумкинми?**

**У.Расулов,**
**Чилонзор тумани**

Ўзбекистон Республикаси Оила кодексининг 198-моддасига асосан:

Вояга етган ҳар икки жинсдаги шахслар тутинган ота-она бўлишлари мумкин. Фақат айрим ҳолатлар бундан мустасно:

Жумладан, суд томонидан муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган шахслар;

Суд томонидан ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинган ёки ота-оналик ҳуқуқи чекланган шахслар;

Қонун билан зиммасига юклатилган мажбуриятни лозим даражада бажармаганлиги учун васийлик ёки ҳомийлик вазифаларини бажаришдан четлаштирилган шахслар;

Шунингдек, илгари фарзандликка бола олган, лекин назарда тутилган асослар бўйича суд томонидан фарзандликка олиш бекор қилинган шахслар;

Қасддан қилган жиноятлари учун илгари ҳукм қилинган шахслар;

Соғлиғининг ҳолатига кўра, болани тарбиялаш мажбуриятини бажара олмайдиган шахслар бундан мустасно.

Тутинган ота-оналарни танлаш васийлик ва ҳомийлик органлари томонидан амалга оширилади. Тутинган ота-онанинг тарбияга олинган болага нисбатан васийлик ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга эканлиги белгиланган.

**Абдушукур АБДУРАҲМОНОВ,**
**Носирхон АЛИАХУНОВ,**
**Шайхонтоҳур туманидаги ДНИ нотариуслари**

* * *

**Муниципал мулк нима? У ҳам хусусий мулк қилиб берилиши мумкинми?**

**Л.Азаматова,**
**Шайхонтоҳур тумани**

Давлат ҳокимияти маҳаллий органларнинг мол-мулки, маҳаллий бюджет маблағлари, муниципал уй-жой фонди ва коммунал хўжалик, корхоналар ва бошқа мулкий комплекслар, халқ таълими, маданият, соғлиқни сақлаш муассасалари, шунингдек, бошқа мол-мулк муниципал мулк бўлади.

Муниципал мулк бўлган мол-мулкни, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, давлат ҳокимияти маҳаллий органлари ёки улар вакил қилган органлар тасарруф этадилар.

Муниципал мулк бўлган мол-мулк юридик шахсларга хўжалик юритиш ёки бошқариш ҳуқуқи асосида бириктириб қўйилиши мумкин.

Муниципал мулк объектлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва шартлар асосида хусусий мулк қилиб берилиши мумкин.

**Шаҳноза ХОДЖАЕВА,**
**Учтепа туманидаги 5-сонли ДНИ нотариуси**



***Жанубий Кореянинг Инчеон шаҳрида ўтказилган XVII Осиё ўйинларида Ўзбекистон спортчилари 9 олтин, 14 кумуш ва 21 бронза медални қўлга киритиб, юртимизга ёруғ юз билан қайтиб келди.***

Осиё ўйинлари — 2014

# ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАР

Тошкент халқаро аэропортида спортчиларимизни вазирлик ва идоралар, спорт жамоатчилиги вакиллари, ота-оналар ва мухлислар кутиб олди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ҳар томонлама баркамол авлодни вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг самарасида Ўзбекистон дунёга спорти жадал ривожланган мамлакат сифатида танилди. Хусусан, қитъа миқёсида ўтказиладиган ҳар тўртйилликнинг нуфузли мусобақаси – Осиё ўйинларида спортчиларимиз мунтазам юқори натижаларга эришмоқда.

Осиё Олимпия кенгаши шафелигида ташкил этилган бу галги мусобақада 228 нафар ҳамюртимиз 32 спорт тури бўйича мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилди.

Ўзбекистон спортчиларининг қитъамизнинг энг нуфузли мусобақасида муваффақиятли қатнашишида давлатимиз раҳбарининг 2013 йил 25 февралда қабул қилинган «Ўзбекистон спортчиларини 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида (Бразилия) бўлиб ўтадиган XXXI ёзги Олимпия ва XV Паралимпия ўйинларига тайёрлаш тўғрисида»ги Қарори муҳим омил бўлди. Мазкур ҳужжат ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга кўра, спортчиларимизнинг замонавий меъёрлар асосида ўқув-машғулот йиғинларини ўтказиши, тажриба ва маҳоратини ошириши, халқаро мусобақаларга пухта тайёргарлик кўриши ва уларда муносиб иштирок этиши учун барча қулай шарт-шароит яратилган.

Осиё ўйинларида Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўладиган XXXI ёзги Олимпия ўйинларида Ватанимиз шаънини ҳимоя қиладиган спортчиларимизнинг имконияти ва салоҳияти синовдан ўтказилди. Инчеонда қайд этилган натижалар ўзбекистонлик мураббийлар ва мутахассислар спортчиларни Олимпиадага тайёрлашни тўғри йўлга қўйганини кўрсатди. Осиё ўйинларида қўлга киритилган медалларнинг аксарияти Олимпиада дастуридаги спорт турлари бўйича экани фикримиз далилидир.

– Осиё ўйинларида юқори натижаларга эришган спортчиларимизга ҳавасим келди, – дейди Республика олимпия захиралари коллежи ўқувчиси Сардор Ҳикматиллаев. – Уларнинг муваффақияти биз, ёшларнинг ўзимизга бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлаб, янги-янги марралар сари илҳомлантирди. Келажакда мен ҳам уларга ўхшаб халқаро майдонларда Ватанимиз шарафини ҳимоя қилишга қодир етук спортчи бўлиб етишишга ҳаракат қиламан.

Инчеонда эришилган натижалар асносида мамлакатимизда хотин-қизлар ўртасида спорт тобора оммалашиб бораётгани, спортнинг қизларга мос турларини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор юксак самара бераётгани намоён бўлди. Бадиий гимнастикачиларимиз – Жамила Раҳматова, Равиля Фархутдинова, Валерия Давидова ва Анастасия Сердюкова Осиё ўйинларининг жамоавий баҳсларида олтин медални қўлга киритгани бунинг исботидир.

– Осиё ўйинларида юқори натижаларни қўлга киритиб, Ватанимизга ёруғ юз билан қайтиб келганимиздан бахтиёрмиз, – дейди енгил атлетикачи Светлана Радзивил. – Биз минглаб спорт мухлислари, халқимизнинг ишончи ва қўллаб-қувватлашини ҳис қилган ҳолда беллашувларга киришдик. Осиё ўйинларидаги муваффақиятимиз мамлакатимизда спортни ривожлантириш, нуфузли спорт мусобақаларида муносиб иштирок этиш учун яратилаётган кенг имкониятлар туфайлидир.

Ҳа, спортчиларимиз Инчеондаги Осиё ўйинларида ўз маҳорати, тажриба ва салоҳиятини намоён этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилди. Бу мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор ва ғамхўрлик самарасида ўзбек спортининг ёрқин келажагини таъминлашга қодир спортчилар тарбияланаётгани, уларни келгусида янада юксак ғалабалар кутиб турганидан далолатдир.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Икромов сўзга чиқди.

**Байрам АЙТМУРОДОВ,**
**ЎзА мухбири**
**Муҳаммад Амин (ЎзА) олган сурат**

Кўргазмалар

# ЎЗГА ОЛАМГА БИР НИГОҲ

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида «Ўзга оламга ташлаб бир нигоҳ...» номли кўргазма бўлиб ўтмоқда.***

Мазкур кўргазманинг асосий мақсади томошабинни миниатюра рангтасвири услубида ижод қилувчи Ўзбекистоннинг етакчи замонавий рассомлари ижоди билан таништиришдан иборат.

Унда Ўзбекистон Бадиий академияси академиги Ниёзали Холматов, Шорасул Шоаҳмедов, Музаффар Пўлатов, Убайдулла Қосимов, Анвар Исроилов, Қаҳрамон Шоисломов, Шамсуддин Рихсиев, Ҳамид Мирсоатов каби Ўзбекистоннинг таниқли замонавий миниатюрачи рассомларининг сара асарлари ўрин олган.

Миниатюра рангтасвири санъати кўплаб иқтидорли рассомлар ижод қилувчи йўналишлардан биридир. Маълумки, миниатюра санъати мамлакат тарихий-маданий меросининг ажралмас қисмидир. Унинг анъаналари XX асрнинг бошларида унутилган бўлса, 1980 йилларга келиб яна уйғониш даврини бошдан кечирди. Юртимиз мустақилликка эришгач ушбу санъат ўз ичига турли авлод вакилларини жамлаган ҳолда кенг бадиий-услубий йўналишга айланди. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон миниатюра рангтасвири ранг-баранг бўлиб, унга қоғозда, матода ва терида ишланган асарлар мисол бўлади.

Кўргазма 9 октябрга қадар давом этади.

**Ҳабиба ЙЎЛДОШЕВА**

# ЛИБОСЛАР НАМОЙИШИ

***Ўзбекистон тарихи Давлат музейида уюштирилган кўргазма «Ўзбек миллий либослари: кеча ва бугун» деб номланди.***

Азалдан ўзининг жозибаси билан бутун дунёга машҳур бўлган ўзбек миллий либослари барча иштирокчиларни, ҳатто хорижлик меҳмонларни ҳам ҳайратга солди десак муболаға бўлмайди.

Қувонарлиси, кўргазмадан тарихий миллий либослар билан бирга ҳозирги кунда ўзбек модельер ва дизайнерлари томонидан яратилган замонавий либослар ҳам ўрин эгаллаган.

**(Ўз мухбиримиз)**

# КУТУБХОНАДА АДАБИЙ УЧРАШУВ

***Шаҳримиздаги «TURON» ахборот-кутубхона марказида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али билан адабий учрашув бўлиб ўтди. Унда ахборот-ресурс марказлари раҳбарлари, китобхонлар, ўқув юртлари ўқувчилари, ўқитувчилари қатнашди.***

Давра суҳбатида Муҳаммад Али, шоирлар Рустам Мирвоҳид, Фароғат Худойқулова, ёзувчи ва публицист Бахтиёр Ҳайдаров, шунингдек, китобхонлар, мухлислар, ўқувчилар мустақиллик йилларида юртимиз тарихи, жумладан, темурийлар даврига оид тарихни ўрганишга, изланишларга эътибор қаратилаётгани, бу даврга оид тарихий, бадиий адабиётларнинг нашр этилаётганлигининг маънавиятимизни бойитишдаги аҳамияти ҳақида фикр юритилди. Муҳаммад Алининг темурийлар даврига оид нашр қилинган асарлари, 4 жилдли «Улуғ салтанат» китоби ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди. Ёшлар ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоблар олишди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

***Пойтахтимиздаги «Олимпия шон-шуҳрати» музейида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашда миллий спорт ўйинларининг аҳамияти мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, миллий спорт федерациялари вакиллари, ўқитувчилар, мураббийлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.***

2014 йил — Соғлом бола йили

# МИЛЛИЙ ЎЙИНЛАР — БЕБАҲО БОЙЛИГИМИЗ

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирининг ўринбосари Д.Муллажонов, «Миллий спорт маркази» ДУК бош директори З.Расулов, Ўзбек жанг санъати федерацияси раиси П.Усмонов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий қадриятларимизни асраб-авайлаш ва ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор самарасида бой маънавий меросимизнинг ажралмас қисми бўлган халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари қайта қадр топаётганини таъкидлади.

Халқимизнинг кўҳна қадриятлари замирида баркамол авлодни вояга етказишнинг ўзига хос, ноёб усуллари шаклланган ва йиллар давомида сайқал топиб келмоқда. Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари аждодларимиздан мерос ана шундай ўлмас қадриятлардан биридир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, юртимизда халқ ўйинларининг мингга яқин тури мавжуд.

Истиқлолнинг дастлабки йилларидан юртимизнинг барча ҳудудларида халқимиз турмуш тарзининг ажралмас қисми бўлган миллий ўйинларни янада равнақ топтириш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Миллий спорт турлари бўйича турли фестиваллар, мусобақалар мунтазам ташкил этилаётир. Наврўз байрами, халқ сайилларида миллий ўйинлар, спорт турлари бўйича беллашувлар ўтказилиб, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилинмоқда.

Бугун мамлакатимиз таълим тизимида, ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялашда ушбу спорт турларидан кенг фойдаланилмоқда. Миллий ўйинлар замонавий спорт тури мақомини олиб, жаҳон майдонларига чиқаётир.

Халқ ўйинлари ва миллий спорт турлари фарзандларимизнинг нафақат жисмонан бақувват, балки маънан етук бўлиб вояга етишига хизмат қилади, ёшларда мардлик, жасурлик, фидойилик, ватанпарварлик фазилатларини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда 160 мингдан зиёд йигит-қиз миллий спорт турлари билан мунтазам шуғулланмоқда. Кураш, белбоғли кураш, ўзбек жанг санъати сингари қатор спорт турлари усталари халқаро миқёсдаги мусобақаларда ўз маҳоратини намойиш этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Тадбирда халқ ўйинлари ва миллий спорт турларини янада ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, бу борада илмий-амалий, ўқув-услубий қўлланмалар ва инновацион усулларни жорий қилиш, таълим-тарбия масканларида машғулотларни миллий спорт турларидан кенг фойдаланган ҳолда олиб бориш масалалари муҳокама қилинди.

**(ЎзА)**

Санъат

# МУМТОЗ ОҲАНГЛАР СЕҲРИ

***Санъат — гўзаллик куйчиси, ҳаёт ҳақиқатини тараннум этувчи буюк мўъжиза, кўнгилларга яқин, дилларга манзур нафис ижод сеҳридир. Мусиқа эса — бебаҳо хазина, ҳаётбахш наволар сеҳридан баҳраманд бўлиш бахтини инъом этувчи қудратли тилсим.***

Яқинда Ўзбекистон Давлат консерваторияси «Туркистон» камер оркестрининг йигирма йиллиги муносабати билан концерт дастури ўтказилганида хаёлимиздан юқоридаги фикрлар ўтди.

Ўзгача шукуҳ ҳамда кўтаринки кайфият уйғунлигини ўзида мужассам этган ушбу концерт дастури Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ўзбекистон Давлат консерваторияси томонидан ташкиллаштирилди.

Тадбир давомида ёрқин характер ва такрорланмас мусиқий оҳангларни ўз асарларига жо этган Моцарт ва Бетховен каби буюк жаҳон композиторларининг энг сара мусиқий асарлари янгради. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби Элдор Азимов дирижёрлиги ва бадиий раҳбарлиги остидаги «Туркистон» камер оркестрининг ҳар томонлама мукаммал ва профессионал ижроси ташриф буюрган меҳмонлар ва санъат ихлосмандларига хушнудлик улашди ҳамда концерт дастурини янада бойитди. Жаҳон мумтоз бастакорлари томонидан яратилган дурдона асарларнинг мусиқий тили, мазмуни ва моҳиятини томошабинларга етказиб бера олган яккахон ижрочи, Халқаро танловлар ғолиби, Ўзбекистон Давлат консерваториясининг «Махсус фортепиано» бўлими ўқитувчиси, профессор Сайёра Ғафурованинг маҳоратли ижроси ҳам олқишларга сазовор бўлди.

**Гулмира НОРМЎМИНОВА,**
**Ўзбекистон Давлат консерваториясининг 3-босқич талабаси**

***Ватани Япония ҳисобланган комсток қурти — PSEUDOCOCCUS COMSTOKI KUW Ўрта Осиёнинг барча республикаларида тарқалган бўлиб, асосан тутнинг энг хавфли зараркунандаларидан бири ҳисобланади, шу билан биргаликда кўпгина мевали ва манзарали дарахтларга хусусан, Ўзбекистонда асосан, тут, беҳи ва анорга зарар келтиради.***

# ДАРАХТЛАРНИ САҚЛАШ ҚОИДАЛАРИ

Анорнинг косачаси комсток қурти ва унинг тухумини яхши ҳимоя қилади. Комсток қурти дарахт танаси, шохлари ва баргларида жам бўлиб жойлашади ва дарахт ширасини сўради. Натижада барглар тўкилади, ёш новдалар қурийди, ҳосилдорлик кескин камаяди. Тут дарахтини зарарлаганда барглар сарғайиб, ифлосланади ва ипак қуртини боқиш учун яроқсиз ҳолга келади. Чўзинчоқ овал шаклида, усти оқ мум билан қопланган қурт — сўрувчи ҳашаротларнинг ун ғуборли қуртлари оиласига мансуб бўлиб, тухум босқичида қишлайди. Совуққа чидамли тухумларни очиқ жойларда шамол учириб кетиши, ёмғир ювиши натижасида ҳалок бўлиши мумкин. Дарахт ёриқлари, пўстлоғи ичидаги, девор ва ғовак ёриқлари орасидаги тухумлар сақланиб қолади.

Комсток қурти тарқалмаган ҳудудларни ундан муҳофаза қилиш учун кўчатларни, ўсимлик маҳсулотларини киритиш ва чиқаришда «Ўсимликлар карантини» қонун-қоидаларига амал қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кураш чоралари қўлланилганда комсток қуртининг псевдофикус биологик кушандаси ҳамда кимёвий препаратлардан фойдаланилади.

**З.ШОНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳар ўсимликлар карантини чегара пунктининг етакчи давлат нозири**

ЎЗГИДРОМЕТ
ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида **8 октябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, кечқурун ва куннинг биринчи ярмида ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 8-10, кундузи — 13-15 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **8 октябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 9 октябрда чиқади).

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 1055
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5720 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 14.00
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ
1 2 3 5